XALQ DEPUTATLARI SHAROF RASHIDOV TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2023 - yil 25 - yanvar VI-44-13-3-46-K/23 Sharof Rashidov tuman hokimligi

Шароф Рашидов тумани Туёқли маҳалласидаги қонун талабларига зид бўлган кўча номларини ўзгартириш ҳамда қайта номлаш тўғрисида

Туманнинг Туёқли маҳалласидаги номсиз географик объектларга янги ном бериш, бир-бирини такрорловчи кўчалар номини қайта номлаш юзасидан мазкур маҳалла фуқаролар йиғинидан келиб тушган таклифлар шакллантирилди ва мазкур таклифлар атрофлича муҳокама қилиниб, кўчаларни қайта номлаш ҳамда тасдиқлаш бўйича Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги туман комиссияси давлат экспертизасидан ўтказиш учун юборган таклифларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссияси томонидан ижобий хулосалар тақдим этилган. Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сонли қарори ҳамда туман комиссияси таклифларини инобатга олиб, Халқ депутатлари Шароф Рашидов тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шароф Рашидов тумани Туёқли маҳалласи ҳудудидаги қонун талабларига зид номларни ўзгартириш ҳамда янги ном бериш ҳақидаги таклифлар юзасидан давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссияси (кейинги ўринларда Эксперт комиссия деб аталади) хулосалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Эксперт комиссиянинг Шароф Рашидов тумани ҳудудидаги мавжуд қонун талабларига зид номларни қайта номлаш ҳамда янги ном бериш бўйича таклифлари маъқуллансин.

3. Шароф Рашидов тумани Туёқли маҳалласидаги қайта номланаётган кўчалар рўйхати 1-иловага;

4. Туман статистика бўлими (А.Ҳикматов), Кадастр агентлиги Жиззах вилояти бошқармасининг Шароф Рашидов тумани филиали (А.Орифхўжаев), туман архитектура ва қурилиш бўлими (И.Ўрозалиев) ҳамда тегишли мутасадди ва давлат органларига амалдаги тартибда ном берилган ва номлари ўзгартирилган кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш
ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Ички ишлар бўлими (А.Муратов) ном берилган ва номлари ўзгартирилган ҳудудларда аҳолининг фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

6. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича туман комиссияси (Т.Пардаев, Н.Раҳмонқулов) ном берилган ва номи ўзгартирилган кўчалар, қабристонлар ва маҳаллага уларнинг номлари ёзилган металл кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳалар босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. “Jizzax tonggi.uz” газетаси (М.Абдурахмонова) ва туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Ж.Азимов) ушбу қарор газета ва туман ҳокимлиги расмий сайти саҳифасида ёритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш халқ депутатлари туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси (Г.Мамарахимова)га ва қарор ижросини таъминлаш географик объектларга ном бериш
ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси (Т.Пардаев) зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **М.Холбутаев**

Xalq deputatlari Sharof Rashidov
tuman Kengashining
2023 yil 25 yanvardagi
VI-44-13-3-46-K/23-son qaroriga
1-ilova

Шароф Рашидов тумани Туёқли маҳалласида қонун талабларига зид бўлган кўча номларини қайта номлаш юзасидан таклиф берилаётган янги номлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Т/р	**геогрфик объектнинг тури**	**Жойлашган ўрни**	**География объектнинг амалдаги номи**	**Туман комиссияси томонидан берилган таклиф**	**Изоҳ**
1.	Кўча	Туёқли МФЙ	Ғазалкент – 1	Шоҳрухия	
2.	Тор кўча	Туёқли МФЙ	Ғазалкент – 2	Ғазалкент 1-тор	
3.	Тор кўча	Туёқли МФЙ	Ғазалкент – 3	Ғазалкент 2-тор	
4.	Тор кўча	Туёқли МФЙ	Ғазалкент – 4	Ғазалкент 3-тор	
5.	Кўча	Туёқли МФЙ	Зомин – 1	Тохаристон	
6.	Кўча	Туёқли МФЙ	Зомин – 2	Помир	
7.	Кўча	Туёқли МФЙ	Аҳиллик – 1	Янгикент	
8.	Кўча	Туёқли МФЙ	Аҳиллик – 2	Балх	
9.	Кўча	Туёқли МФЙ	Аҳиллик – 3	Балхаш	